ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 20 (9.670) 2002 йил 15 февраль, жума ◆ Сотувда эркин нархда

*...Ҳар бир киши ўзига топширилган соҳада, бошқарув ва хўжалик юритишининг ҳар бир тузилмаси, ҳар бир бўғини эса, белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ўзининг ўрнини аниқ ва равшан белгилаб олиши, аниқ дастурга эга бўлиши ва унинг бажарилишини таъминлаши ўта муҳим аҳамиятга эга.*

**Ислом КАРИМОВ**

# ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, РЕСУРСЛАРДАН ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ – БОШ ЙЎЛИМИЗ





## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

**14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлиси бўлди.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

— Ўтган йил мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар учун муҳим йил бўлди, — деди давлатимиз раҳбари. — 2001 йилда биринчи бор ялпи ички маҳсулотнинг 1991 йилга нисбатан 103 фоиз ўсишига эришилди. Макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётни ўстириш тенденцияси аниқ кўзга ташланди.

Ялпи ички маҳсулот 4,5 фоиз, саноат ишлаб чиқариши 8,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида маҳсулот тайёрлаш 4,5 фоиз кўпайди. Инфляция даражаси ойига ўртача 2 фоизни ташкил этди. Аҳолининг реал даромадлари эса 16,9 фоиз ўсди. Ташқи савдо айланмасида ҳам ўсиш таъминланди, бу борада ижобий сальдога эришилди. Энг муҳими, бозор конъюктураси Ўзбекистон учун ноқулай бўлишига қарамай, олтин-валюта захираси илгариги даражада сақлаб қолинди.

Президентимиз ўтган йили мамлакатимизда бир неча йирик саноат корхоналари ишга туширилганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Шўртан газ-кимё мажмуи, йирик тўқимачилик корхоналари ва бошқа корхоналар шулар жумласидандир.

Ислом Каримов республикамизда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш масаласига доимо алоҳида эътибор қаратади. Бу галги мажлисда ҳам давлатимиз раҳбари соҳада талай ўзгаришлар юз берганини, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 24,5 фоизни ташкил этганини қайд этди.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши 50-60 фоизни ташкил этади. Бу эса ушбу мамлакатлар иқтисодиёти дунё бозоридаги вазиятга тез мослашуви ва рақобатбардошлигини таъминлайди. Республикамизда бу борада ҳали талай камчиликлар мавжуд. Хусусан, 31 та туманда ҳали ҳам хориж сармояси асосида бирорта корхона ишга туширилмаган. Президентимиз бу борадаги сусткашликни қаттиқ танқид қилди ва хусусий сектор иқтисодиётимизнинг асосини ташкил этиши зарурлигини яна бир бор таъкидлади. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни изчил давом эттириш, хусусан, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Мажлисда кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Юртбошимиз ишга туширилаётган коллежларда нафақат бугунги кун учун зарур кадрлар, балки истиқболда эҳтиёж пайдо бўладиган мутахассислар тайёрлашга ҳозирданоқ жиддий эътибор қаратиш лозимлигига урғу берди. Тегишли вазирликларга 2010 йилгача бўлган даврда иқтисодиётни ривожлантириш ва таркибий қайта ўзгартириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва ундан юқори даражада самарали фойдаланишни, таълим муассасаларини тугатаётган ёшларнинг иш билан таъминланишини назарда тутувчи дастур тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Ўтган йиллар давомида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича талай ишлар қилинди. Бироқ, Президентимиз таъкидлаганидек, иқтисодиётимизда муҳим ўрин тутувчи бирорта йирик корхона хусусийлаштирилмаган. Бу эса соҳада ислоҳотларни янада жадаллаштиришни талаб этади. Шунинг учун 2002 йил бу борада бурилиш йили бўлиши керак.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ер, сув, газ ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари атрофлича муҳокама этилди. Ислом Каримов бу борада йўл қўйилаётган жиддий хато ва камчиликларни кўрсатиб ўтди.

Бир неча йилдирки, минтақамизда сув тақчиллиги сезилмоқда. Шундай бўлишига қарамай, сувдан хўжасизлик билан фойдаланиш ҳолларига барҳам берилмаяпти.

Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика ва газ заҳираларидан фойдаланишда ҳам шундай ҳолатларни кўриш мумкин.

Президентимиз пировардида мустақиллик йилларида одамларнинг онги, дунёқараши ўзгарганини, халқимизда Ватанни ардоқлаш туйғуси янада теранлашганини алоҳида мамнуният билан қайд этди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан Ер ресурслари давлат қўмитаси раиси Э.Қурбонов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Жалолов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари А.Жўраев, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги бош директори Ў.Холмуҳамедов, Сирдарё вилояти ҳокими А.Исроилов, Жиззах вилояти ҳокими У.Ямانқулов, Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов, адлия вазири А.Полвонзоданинг ахборотлари тингланди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** йиғилиш пайти.

**Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.**

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2001 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ, ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШИНИ БАҲОЛАШ ҲАМДА 2002 ЙИЛГИ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Ҳар бир йилнинг бошида мана шундай анжуманга йиғилиб, ўтган йилнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш якунларини, ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришини таҳлил қилиш, олдимизга қўйган мақсадларга қай даражада эришганимизни танқидий баҳолаб, жорий йилда бутун эътибор ва кучимизни қаратишимиз зарур бўлган энг муҳим вазифа ва йўналишларни ўзимиз учун аниқ-равшан белгилаб олиш анъанага айланиб қолди.

Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг бугунги йиғилишидан кўзда тутилган асосий мақсад 2001 йилда иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида қўлга киритилган натижаларни таҳлил этиш ҳамда 2002 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича ҳал қилувчи йўналишларни аниқлаб олишдан иборат.

Сизларга маълумки, 2001 йил якунлари ҳар бир ҳудуд, шаҳар ва туман, вазирликлар ва бирлашмалар миқёсларида таҳлил қилиниб, атрофлича кўриб чиқилди ва уларга танқидий нуқтаи назардан баҳо берилди.

Бизнинг бугунги вазифамиз эса, иқтисодиётимизда, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида, авваламбор, рўй бераётган ислоҳотлар натижаларини, янгича жараёнлар ва сифат ўзгаришларини чуқур таҳлил этиб, керакли хулосалар чиқаришдир.

Ўтган йилда эришилган натижаларга умумий баҳо берар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, 2001 йил иқтисодиётимизда, бутун жамиятимизда ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган изчил тадбирларимизни жорий этишда муҳим босқич ва уларнинг мантиқий давоми бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Хўш, 2001 йилнинг ўзига хос хусусиятларини нималарда, қандай кўрсаткичлар мисолида кўришимиз мумкин?

**Биринчидан, кейинги йилларда бўлгани каби, 2001 йилда ҳам мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни сақлаб туришга эришилди ва иқтисодиётимизнинг ўсиб бориш жараёнлари давом этди.**

Натижада ўтган йили ялпи ички маҳсулот ҳажми — 4,5 фоизга, саноат ишлаб чиқариши — 8,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш эса — 4,5 фоизга кўпайди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларига мос равишда пасайди.

Айниқса, шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ўтган йил Ўзбекистон учун макроиқтисодий вазият нуқтаи назаридан маълум маънода бурилиш йили бўлди.

Ўйлайманки, ялпи ички маҳсулот ҳажми ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий аҳволини белгилайдиган асосий кўрсаткич эканини барчангиз яхши биласиз. Биз, 2001 йил якунларига кўра, ана шу кўрсаткич, яъни, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича нафақат ислоҳотлар бошланган 1991 йил даражасига чиқиб олдик, балки 103 фоиз ўсишга ҳам эришдик.

Бунинг натижасида 2001 йилда жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари 103,1 фоизни ташкил этди, аҳолининг реал даромадлари эса 16,9 фоизга ортди.

Агар биз 90-йиллар бошида кечирган ўта мураккаб қийинчиликларимизни кўз олдимизга келтирсак, бизга эски тузумдан бирёқлама ривожланган, асосан хомашё беришга мослаштирилган ночор иқтисодиёт мерос бўлиб қолганини, иқтисодиётимизни янгича қуришга қаратилган ҳаракатларимизни, кейинги икки йилда рўй берган қурғоқчиликнинг салбий оқибатларини, 90-йилларнинг охирида бутун жаҳон иқтисодиётини танг ҳолга солиб қўйган иқтисодий ва молиявий таназзулни холисона инобатга олсак, бу эришган натижаларимизнинг аҳамияти ва қиммати янада ортади.

Энг муҳими, давлатимиз миқёсида ҳам, ҳудудлар ва тармоқлар бўйича ҳам иқтисодиётнинг молиявий мутаносиблиги мустаҳкамланди.

**Давлат бюджетининг даромад қисми бўйича деярли барча кўрсаткичларнинг ошириб бажарилгани туфайли бюджет тўловларини ўз вақтида амалга ошириш имкони туғилди. Шу билан бирга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга, реал иқтисодиёт тармоқлари ривожини зарур сармоялар билан таъминлашга эришилди. Молиявий йилнинг бюджет камомадини ялпи ички маҳсулот миқдорига нисбатан белгиланган 1,5 фоиз ўрнига бир фоиз даражасида якунлашга муваффақ бўлдик.**

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, йилдан-йилга, аввало, ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналаримиз бўйнига тушаётган солиқ оғирлиги тобора камайиб бормоқда.

Ўтган йили ялпи ички маҳсулотга нисбатан давлат бюджетига тортиладиган солиқ улуши 26 фоизгача қисқарди.

**Шу вақт мобайнида пул тизими янада мустаҳкамланди.** Нақд пул эмиссияси даражаси йил якунларига кўра, прогноз кўрсаткичларида кўзда тутилган 9 фоиз ўрнига 6,5 фоизни ташкил этди. Пулнинг айланиш суръатлари тезлашди. Натижада пул массасининг ўсиши ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2000 йилда 17,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткичнинг 16,4 фоизгача қисқаришига эришилди.

**Хўжалик юритувчи субъектларда тўлов интизоми сезиларли даражада мустаҳкамланди.** Мониторинг олиб борилаётган етакчи муассаса ва корхоналарда муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларига деярли барҳам берилганини ҳам муҳим натижа сифатида баҳолаш мумкин.

Бизнинг асосий экспорт маҳсулотларимизга жаҳон бозорида ноқулай нарх конъюктураси вужудга келганига қарамай, йил якунларига кўра, ташқи савдо айланмасининг 3,1 фоизга ўсиши таъминланди. Ташқи савдо операцияларида 128 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдога эришилди, олтин-валюта захираларимиз аввалги даражада сақлаб қолинди.

**Иккинчидан, бизнинг бозор ислоҳотлари йўлидан олға боришимизни кўрсатадиган иқтисодиётдаги институционал ўзгаришлар жараёни сезиларли даражада чуқурлашди.**

Бу ерда гап фақат бозор иқтисодиётига хос бўлган янги институт — ташкилотларни шакллантириш хусусида эмас, балки, авваламбор, бозор муносабати механизмларини ўзининг иқтисодиётга таъсирини кучайтириш ҳақида бормоқда.

Яъни, хўжалик юритишдаги эски, ўз умрини яшаб бўлган, зўравонлик, маъмурий-буйруқбозлик усуллари ўрнини бозор механизмлари ва иқтисодий омилларга рағбатлантириш усулларига асосланган янги тамойиллар эгалламоқда.

Бу институционал ўзгаришлар замирида, биринчи галда кейинги йилларда молия ва банк тизимини, аудит ва суғурта соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш, бозор инфратузилмасининг кенг тармоғини шакллантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мажмуи мужассам топган, десак, асло хато бўлмайди.

Шубҳасиз, бунда мамлакатимизда йил сайин шаклланиб ва мустаҳкамланиб бораётган ҳуқуқий база, шу жумладан, кейинги йилларда қабул қилинган Давлат бюджети ва бюджет тизими, Марказий банк ва банклар тизими, аудит, суғурта фаолияти, лизинг тўғрисидаги турли қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

**Учинчидан, 2001 йилда ҳам иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва инвестицияларни, жумладан, чет эл сармояларини кенг жалб этиш сиёсати ҳаётга фаол жорий қилинди.**

Шу билан бир вақтда, республика иқтисодиётининг таркибий асосини ташкил этувчи етакчи соҳаларини монополиядан чиқариш, уларни бошқариш тизимига замонавий, зарур ўзгартиришлар киритган ҳолда такомиллаштириш бўйича қатъий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таркибий ўзгаришлар ҳақида гапирганда, аввало, ишлаб чиқаришнинг юраги бўлган энергетика қувватларини, нефть-газ мажмуи корхоналарини, кўмир, металлургия, кимё, пахтани қайта ишлаш саноати, енгил саноат, ипакчилик, чарм-пойабзал, мебель ва бошқа етакчи саноат тармоқларини, лўнда қилиб айтганда, иқтисодиётимизни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари босқичма-босқич амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизда автомобилсозлик, дори-дармон ва микробиология саноати каби **янги тармоқ ва ишлаб чиқариш турлари жадал ривожланиб бормоқда.** Хусусан, "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасида янги моделдаги "Матиз" автомобилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, республикамизда тиббиёт соҳасида ишлатиладиган шиша идишлар тайёрлаш технологияси ўзлаштирилди.

Ахборот технологиялари тез суръатлар билан ривожланмоқда. Темир йўллар, автомобиль йўллари, транспорт коммуникацияларини модернизация қилиш, янгиларини қуриш ишлари жадал давом этмоқда, мавжуд вагонлар парки янгиланмоқда.

Одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қиладиган Учқудуқ-Мискин йўналишида темир йўлининг қурилиб, ўтган йили бу ерда ишчи қатновларининг йўлга қўйилгани, Термиз, Учқудуқ, Тўрткўл, Элликқалъа шаҳарларида янги вокзалларнинг бинолари фойдаланишга топширилганини алоҳида айтиб ўтиш зарур.

Экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хусусан, биз учун анъанавий бўлмаган янги маҳсулот турларини экспорт қилиш ҳажмини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда.

Биргина 2001 йилнинг ўзида биз бир қанча улкан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга муваффақ бўлдик. Полиэтилен ва суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган, умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган Шўртан газ-кимё мажмуини барпо этиш, Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбатини ишга тушириш шулар жумласидандир.

Шунингдек, ўтган йили Тошкентда йўловчи ташувчи вагонларни таъмирлайдиган завод иш бошлади, Фарғонадаги хлорат натрий ва хлорат магний дефолианти ишлаб чиқарадиган "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари тугалланди.

Хорижий шериклар билан қўшма корхоналар барпо этиш дастури доирасида 2001 йил мобайнида мамлакатимизнинг барча минтақаларида чет эл сармояси иштирокида 90 та янги корхона ташкил этилди.

Экспорт қилинаётган маҳсулотлар қаторига тиббий шиша идишлар, қишлоқ хўжалик техникасининг янги турлари, кабель-ўтказгич каби янги маҳсулотлар қўшилди. Четга сотилаётган тўқимачилик ва полиграфия маҳсулотларининг турлари янада кўпайди.

Ўтган давр мобайнида **маҳаллий хомашё асосида** ишлайдиган, импорт маҳсулотларининг ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида ҳам муайян натижалар қўлга киритилди. Жумладан, Фарғонадаги фуран бирикмалари заводи ва Янгийўлдаги целлюлоза-қоғоз фабрикасида линтни қайта ишлаш ҳамда целлюлоза ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

"Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмасида каустик сода, суюқ хлор, тузли кислота каби маҳсулотларни тайёрлашга мўлжалланган қувватларни барпо этиш бўйича лойиҳа ишлари ниҳоясига етди.

Пайвандлаш электродлари ва тиббий гигиена воситаларини ишлаб чиқариш ташкил этилди. Базальтдан олинадиган ўта ингичка тола, лакбўёқ маҳсулотлари, ўтга чидамли ғишт ва шу каби зарур маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш бошланди.

Автомобилсозлик саноатида, қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга катта эътибор берилмоқда.

**Маҳаллий минерал ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашга асосланган ҳолда янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг ўзлаштирилмоқда.**

2001 йилда мамлакатимизда етиштирилган пахта толасини қайта ишловчи, энг замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозланган "Кабул-Фарғона", "Чиноз тўқимачи" каби янги қўшма корхоналар ишга туширилди.

Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, агар 1991 йили республикамизда пахта толасини қайта ишлаш 12 фоизни ташкил этган бўлса, эндиликда бу рақам 24 фоизга етди.

Пахта толаси ва ипак хомашёларидан энг мукаммал технология асосида тайёрланган калава, ип, пахта ва шойи газламаларини экспорт қилиш ҳажмлари анча ошди.

Табиийки, хорижий инвестицияларни жалб этмай туриб, ишлаб чиқаришга киритилган капитал маблағлар ҳажмини оширмай туриб, бундай ўзгаришларга эришиб бўлмайди. Жумладан, ўтган йили ана шу сармоялар улуши 62 фоиздан зиёд даражани ташкил этди.

Шуни айтишим зарурки, жорий 2002 йилда республика иқтисодиётини инвестициялаш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 24,5 фоизни ташкил этади. Капитал маблағлар таркибида хорижий инвестициялар ҳиссаси кўпайиб, у жами инвестицияларнинг 30 фоизига ёки 1 миллиард АҚШ долларига тўғри келади.

**Ўтган йилнинг тўртинчи муҳим хусусияти — бу кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланиш суръатлари янада тезлашгани билан боғлиқдир.**

Кичик ва ўрта бизнеснинг, фермер хўжаликларининг қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий асослари анча мустаҳкамланди ва такомиллашди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиблари жорий этилди.

Тадбиркорлар учун солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисоботлар топшириш тизими соддалаштирилди ва бир хил ҳолатга келтирилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини оширишга қаратилган қулай шарт-шароитлар яратилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар кучайтирилгани натижасида назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишлар сони анча камайди.

Имтиёзли ва микрокредитлар бериш ҳамда бошланғич капитални шакллантириш учун маблағ ажратиш йўли билан кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш миқёслари кенгайтирилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг ўзида 2,4 мартадан кўпроқ ошди. Буларнинг 70 фоизга яқини ўрта ва узоқ муддатли кредитлардир. Тадбиркор ва фермерларга берилган микрокредитлар ҳажми эса 27 миллиард сўмдан зиёд бўлди.

Кичик ва ўрта бизнес вакилларининг моддий-хомашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни товар-хомашё биржаларида сотиш ҳажми ошиб бормоқда.

Натижада кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси ўсиб, у ҳозирги кунда 24,5 фоизни ташкил этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугун мамлакат иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 53 фоиздан кўпроғи кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда.

Лекин, бу ерда ўтирган барча раҳбарларни огоҳлантириб айтмоқчиманки, бундан бошимиз айланиб, мағрурланиб кетмаслигимиз керак. Бу соҳада ҳали жуда кўп муаммолар бор, уларни ҳал этиш учун белни маҳкам боғлаб, қаттиқ меҳнат қилишга тўғри келади.

**Бешинчидан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш борасида ҳам ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда.**

Ўтган йилда ҳам қишлоқ хўжалик кооперативлари, яъни ширкатларни шакллантириш ишлари давом эттирилди. Бундай хўжаликларнинг аъзолари мулк пайларига эга бўлдилар. Зарар кўриб ишлайдиган ва кам самарали хўжаликлар негизида фермер хўжаликлари ташкил этишга алоҳида аҳамият берилди.

**(Давоми 2,3-бетда)**

# ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, РЕСУРСЛАРДАН ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ — БОШ ЙЎЛИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2002 йилнинг 1 январигача жами 1 минг 900 та хўжалик, шу жумладан, 2001 йилнинг ўзида 112 та хўжалик ширкатларга айлантирилди. Ҳозирги вақтда 1 миллион 400 минг киши ширкат аъзоси бўлди. Ўтган йили 52 та қишлоқ хўжалик корхонаси негизида танлов асосида 3 минг 400 фермер хўжалиги ташкил этилди.

Мамлакатимиздаги жами фермер хўжаликларининг сони эса 55 минг 400 тага етди.

Хўжаликлар билан тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги муносабатлар ва ҳисоб-китоблар тизими тубдан ўзгармоқда. Мулк шаклидан қатъи назар, барча қишлоқ хўжалик корхоналарида молия-ҳисоб марказлари ташкил этилиб, харажатларни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг чек тизими асосида иш олиб борилмоқда.

Ҳисобот йилида қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъектларни молиявий соғломлаштириш бўйича жиддий чоралар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалигини иш самарадорлиги юқори бўлган, замонавий техника воситалари билан лизинг асосида таъминлаш тизимининг жорий этилиши олдинга ташланган муҳим қадам бўлди. Тўғри, лизинг тизимини қўллаш кўлами ҳозирча унчалик кенг эмас, лекин шу нарса аниқки, қишлоқ меҳнаткашларини техника билан таъминлашнинг бу усули катта истиқболга эга.

**Олтинчидан, 2001 йили биз ташқи иқтисодий фаолият ва валюта сиёсатини янада эркинлаштириш муаммоларини ҳал қилишда сезиларли натижаларга эришдик.**

Экспорт контрактларини расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилди. Кичик ва ўрта бизнеснинг барча субъектлари рўйхатдан ўтган кунидан бошлаб бевосита ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси ҳисобланади. Улар учун экспорт қилинадиган маҳсулотдан келадиган валюта тушумининг 50 фоизини сотиш мажбурияти бекор қилинди.

2001 йилда валюта сиёсатида, уни янада эркинлаштириш борасида жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Валюта алмашув курсларини унификация қилиш ишлари босқичма-босқич давом этмоқда. Бугун ички валюта бозоридаги барча операциялар, хорижий валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, эркин алмашув курси бўйича амалга оширилмоқда.

Ички валюта бозори анча мустаҳкамланиб, унда амалга ошириладиган барча операциялар ва механизмлар тизими сезиларли равишда ўзгарди. Банклараро валюта савдоси сессиялари тизими ташкил этилиб, республика валюта фонди тугатилди. Марказий банкнинг квоталаштириш ва лицензиялар бериш тартиби бекор қилинди. Шунингдек, республикага нақд валюта олиб киришда қўлланиладиган бир фоизли йиғим олиш амалдаги қоидалардан олиб ташланди.

Бугунги кунда барча валюта операциялари фақат ваколатли банклар томонидан амалга оширилмоқда ва бу банклар биржадан ташқари валюта бозорида асосий бўғинга айланиб бормоқда.

Банклараро валюта савдо сессиялари ошкоралик ҳамда очиқлик тамойилларига асосланган ҳолда ҳар куни ўтказиб келинмоқда.

Деярли барча ваколатли банкларга валюта алмаштириш операцияларини бажариш ҳуқуқи берилган. Бугунги кунда ваколатли банкларнинг 1 минг 21 та алмаштириш шохобчалари валюта алмаштириш операцияларини бажармоқда.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги йилнинг ўзида жорий операциялар бўйича миллий валютанинг эркин конвертациясини таъминлаш юзасидан салмоқли қадамлар қўйилди. Бу ишларни 2002 йилда албатта охирига етказишимиз зарур.

Яна шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, кейинги вақтларда бизнинг халқаро молия ташкилотлари билан муносабатларимиз сифат жиҳатидан ўзгариб бормоқда. Икки томонлама муносабатларни келгуси йилларда янада ривожлантириш мақсадида ўзаро келишилган ҳамкорлик стратегияси ишлаб чиқилиб, бу борада мустаҳкам пойдевор қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси **Ҳукуматининг** Халқаро валюта фонди билан келишган ҳолда 2002 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иқтисодий ва молиявий сиёсати бўйича Меморандумининг ишлаб чиқилгани ва кучга киритилгани ушбу ҳамкорликнинг яққол самарасидир.

Мазкур Меморандумнинг кўпгина қоидалари бугунги кундаёқ амалга оширилмоқда. Бироқ бу борада жорий йил давомида қилинадиган ишлар ҳам кўп.

Ҳурматли дўстлар!

Жорий йилдаги иқтисодий стратегиямизнинг асосий маъно-мазмунини белгилайдиган давлат бюджетининг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлари ва йўналишлари Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида кенг муҳокама этилгани ва маъқулланганидан барчангиз яхши хабардорсиз.

Биз бугун ўтган йил якунларидан келиб чиқиб, 2002 йил давомида асосий эътиборимизни қаратишимиз лозим бўлган энг муҳим вазифаларни яна бир бор аниқлаб олишимиз керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, 2002 йилда биз, аввало, қандай устувор масалаларга эътиборимизни қаратишимиз даркор?

**Биринчилар қаторида иқтисодиётимиздаги макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляция даражасини сезиларли равишда пасайтириш ҳамда қатъий молия ва кредит сиёсатини ўтказиш биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.**

Бизнинг энг муҳим стратегик вазифамиз халқ хўжалиги тармоқлари ва корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосида экспорт товарлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришдан иборат эканлигини унутмаслигимиз керак.

2002 йил **мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш** масаласини ҳал қилишда кескин бурилиш йили бўлиши зарур. Бунинг учун сон кетидан қувмасдан, ишни хусусийлаштириш дастурига кирган конкрет йирик корхоналардан, биринчи навбатда, алоҳида лойиҳалар бўйича хусусийлаштириладиган, аввало, хорижий инвесторларга тўла сотилиши мўлжалланган корхоналардан бошлаш лозим.

Айтиш керакки, бу борада ҳали ечилмаган талай муаммолар мавжуд. Шундай экан, бу ишга жалб этилган, молия соҳасини чуқур биладиган хорижлик маслаҳатчилар билан кенг ва фаол иш олиб бориш даркор.

Шу жумладан, бир неча йиллардан буён сотолмаётган акциялар пакетларини ҳамда инвесторларнинг эътиборини ҳозиргача ўзига тортмаётган объектлар бўйича аҳволни атрофлича ўрганиб, тегишли чора-тадбирлар ва таклифларни тез кунларда кўриб чиқишимиз керак.

Ана шундай акциялар пакетлари ва бутун бошли объектларни, инвестор ўз зиммасига аниқ инвестицион мажбуриятлар олган тақдирда, маълум муддатдан кейин сотиб олиш шарти билан уларнинг бошқарувига бериш тажрибасини янада кенгроқ қўллаш лозим.

Бир сўз билан айтганда, мулк шаклини ўзгартириш масалаларига ҳар томонлама ўйлаб ёндашиш даркор.

Пахта тозалаш, кимё ва мебель саноати, энергетика, темир йўл ва автомобиль транспорти, капитал қурилиш ва коммунал хўжалик каби тармоқларни **монополиядан чиқариш бўйича бошлаган ишларимизни мантиқий ниҳоясига етказиш,** рақобатни ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш керак.

Жорий йилда **солиқ ва бюджет соҳаларини ислоҳ этиш,** республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш, бюджетдан ташқари фондлар ролини ошириш борасидаги ишлар давом эттирилади.

Биз бундан буён ҳам солиқлар миқдорини камайтириш сиёсатини изчиллик билан олиб боришимиз керак. Айни вақтда солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ошиб бориши, бу жараён айниқса табиий ва минерал-хомашё ресурсларидан фойдаланиш борасида кучайиши керак.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, солиқлар қанчалик паст даражада бўлмасин, ҳеч кимга, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ёққан эмас. Муҳими, солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, чўчитиб юбормаслиги, аксинча, уни рағбатлантириши зарур. Солиқлар корхоналарнинг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим.

2002 йилга мўлжалланган иқтисодий стратегиямизнинг ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган, ҳал қилувчи масаласи шундан иборатки, биз валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, унинг алмашув курсини унификация қилиш, жорий операциялар бўйича эркин конвертация қилинишини таъминлашимиз зарур. Табиийки, бу ишларнинг барчасини, тўлов балансимизни мустаҳкамлаб, олтин-валюта захираларимизни сақлаган ҳолда амалга ошириш даркор.

Шу билан бирга, **ташқи иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш бўйича,** божхона тўловларини амалга ошириш тартибларини янада енгиллаштириш ва уларни соддалаштириш бўйича, экспорт салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш лозим. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро талабларга мувофиқлигини сертификациялаш соҳасидаги ишларни жадаллаштириш зарур.

**Ижтимоий масалаларга устувор аҳамият бериш, бу борада фаол, энг муҳими, кучли ва самарали сиёсат олиб бориш ҳамиша бизнинг диққат марказимизда бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади, албатта.**

Бу — бутун сиёсатимизнинг, ўтказилаётган ислоҳотларнинг барча босқичларида доимий ва изчил амалга оширилиши лозим бўлган асосий йўналиш бўлиб қолиши керак.

Маълумки, бу борада ҳукумат томонидан бир қатор муҳим ижтимоий дастурлар қабул қилинди. Уларни бажариш билан боғлиқ вазифаларнинг катта қисми 2002 йилга тўғри келади. Бу, авваламбор, 2002-2003 йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш дастури ҳамда Қарияларни қадрлаш йили бўйича қабул қилинган давлат дастуридир.

Бу дастурлар, аввало, кекса авлод вакилларига бўлган ғамхўрлик ва эътиборни кучайтиришга, ёши улуғ инсонлар ва аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини давлат ва жамият томонидан моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бинобарин, улар тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши зарур.

Бу дастурларда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилиши пировард натижада аҳолимиз, айниқса, ҳар бир пенсионер, барча отахон ва онахонларимизнинг яшаш шароити, саломатлиги ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатишига эришмоғимиз керак.

Мен ушбу дастурий тадбирларни бажариш барчамизнинг виждоний бурчимиз эканини, бу борадаги масъулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари зиммасига юклатилганини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман.

Бу дастурларнинг қандай ижро этилаётганини Вазирлар Маҳкамасининг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисида кўриб чиқиш керак.

Шу ўринда яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса, туғилаётган болалар ва аёллар соғлиғини ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш масаласидир. Бу ҳақда 2002 йил 25 январда Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилганидан хабардорсиз.

Гап, бир қарашда жуда оддий бўлиб туюладиган, аслида эса ўта муҳим аҳамиятга молик бўлган **“соғлом она — соғлом фарзанд”** деган ҳаётий масала хусусида бормоқда. Нафақат соғлом ва барқарор оилани шакллантириш, балки бутун жамиятимизда соғлом муҳит барпо этиш, халқимизнинг фаровон турмуши ва келажагини таъминлаш ҳам ушбу масаланинг қандай ҳал этилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Муҳтарам йиғилиш қатнашчилари!

Мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг 2002 йилга мўлжалланган муҳим устувор вазифаларини аниқлар эканмиз, биз Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессияси қарорларида, “Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йил 2 июнда қабул қилинган Фармонда ҳамда Халқаро валюта фонди билан келишилган иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари бўйича Меморандумда кўзда тутилган дастурий мақсадлардан келиб чиқамиз.

Бошқача айтганда, мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошланган йўналишларни, яъни ҳаётимизнинг барча соҳа ва жабҳаларини демократик қадриятлар ва талаблар асосида модернизациялаштириш — янгилаш борасидаги ҳаракатларимизни бош йўлимиз, деб қабул қилишимиз ва қатъият билан давом эттиришимиз зарур.

Бу вазифаларни бажариш биздан барча куч ва имкониятларимизни, кенг маънода бутун салоҳиятимизни тўла сафарбар этишни талаб қилади.

Ҳеч шубҳасиз, бу эзгу мақсадларни амалга ошириш йўлида, авваламбор, барча-барча муаммолар қаторида муҳим бир масалага алоҳида эътиборимизни қаратишга бизни бугун ҳаётнинг ўзи мажбур қилмоқда.

Гап, аввало, мамлакатимизнинг улкан моддий ва табиий ресурсларидан тежаб-тергаб, самарали ва оқилона фойдаланиш устида бормоқда.

Гап, биринчи галда, табиатнинг бебаҳо неъмати — халқимизнинг бойлиги бўлмиш экин экиладиган ерлардан, суғориш ва ичимлик сувидан, ёқилғи-энергетика, минерал-хомашё ва бошқа ресурслардан тўғри ва асраб-авайлаб фойдаланиш ҳақида бормоқда.

Юртимизга ташриф буюрган, бизнинг ресурсларни тежаш масаласига бўлган бепарво муносабатимизни кўрган чет эллик ҳамкорларимизнинг “Сизлар дунёнинг энг бой мамлакатида яшар экансиз” деганига кўп бор гувоҳ бўламиз. Уларнинг бу борада нечоғли ҳақ эканликларини инкор этиб бўлмайди. Чунки улар ҳатто энг бой ва гуллаб-яшнаётган мамлакатлар ҳам ресурсларга нисбатан бу қадар масъулиятсизликка, бу қадар исрофгарчиликка йўл қўймаслигини яхши билишади.

Айниқса, фақат ўзини, бугунги кунини эмас, келгуси авлодларини ҳам ўйлайдиган мамлакатлар бундай ҳолатга асло йўл қўймайди.

Мисол учун, **энг бебаҳо бойлигимиз** — ердан фойдаланишни олайлик. Шу нарса барчамизга яхши маълум бўлиши керакки, биздаги ўта оғир сув тақчиллиги шароитида Ўзбекистон ерларининг фақатгина 10 фоизидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадларида фойдаланиш мумкин. Мамлакатимиз аҳолиси асосий қисмининг даромади ва фаровонлиги мана шу ердан самарали фойдалана олишимизга, унинг ҳосилдорлигини қай даражада сақлаб туришимизга боғлиқ эканини англаган ҳолда бу муаммо нақадар муҳим эканини тушунишимиз қийин эмас, деб ўйлайман.

Сўнгги пайтларда ўтказилган текширувлар натижасида ердан фойдаланиш масаласида тоқат қилиб бўлмайдиган хўжасизлик фактлари, ер ҳақидаги қонунчиликни қўпол равишда бузиш ҳолатлари аниқланди.

Қанчадан-қанча ерлар, энг аввало, суғориладиган экинзорлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетмоқда. Кўплаб дала майдонлари ҳар йили турли баҳонаю сабаблар билан экилмай қолмоқда. Ер майдонларидан белгиланган мақсадларга зид равишда ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳолатлари, минг афсуски, ҳар қадамда учраб турибди.

Бизни боқадиган, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерга нисбатан бундай ноинсофларча муносабат қандай нохуш оқибатларга олиб келишини англаш учун, ўйлайманки, мутахассис бўлиш шарт эмас. Бунинг устига, қанча-қанча ерларни шўр босаётганини, кўп майдонлар зах ерларга, ботқоққа айланиб бораётганини барчамиз яхши биламиз.

Айниқса, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Наманган ва бошқа вилоятларда ҳам ердан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатлари кўплаб содир бўлмоқда.

Ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва ундан қонунга хилоф тарзда фойдаланиш фактлари Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кўплаб учрайди. Тошкент вилоятида яқинда ўтказилган биргина текширув чоғида ерни қонунсиз равишда эгаллаб олиш билан боғлиқ 13 та ҳолат аниқлангани ҳам бу борада муаммолар етарли эканини кўрсатиб турибди.

Мана шундай нохуш, бемаза аҳволни тасдиқлайдиган баъзи бир мисолларни келтириб ўтмоқчиман.

2001 йил якунларига кўра, республика бўйича 120 минг 500 гектар ерда пахта ҳосилдорлиги ўртача 10 центнердан, 104 минг 500 гектар ерда эса 15 центнердан ошмади.

Бошқача айтганда, тахминан 250 минг гектар суғориладиган ерда пахтачилик соҳасида қилинган деҳқончилик ҳеч қандай самара бермасдан, фақатгина зарар келтирмоқда. Шу жумладан, бундай ерларнинг тахминан 90 минг гектари Сирдарё вилояти, 53 минг гектари Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади. Агар ғаллачилик соҳасини ҳам қўшиб ҳисобласак, бундай ерларнинг ҳажми 320 минг гектардан ортади.

Ердан хўжасизларча ва самарасиз фойдаланиш оқибатида 41 минг 500 гектар майдондаги бошоқли дон экинларининг ҳосилдорлиги 15 центнерни, 25 минг 400 гектар ерда эса атиги 10 центнерни ташкил этди.

Пахта ҳосилдорлиги Самарқанд вилоятининг Гўзалкент тумани хўжаликларида 13,2 центнер, Пайариқ туманида 10,2 центнер, Челак туманида 8,3 центнер, Жиззах вилоятининг Зомин туманида 8,6 центнер, Зарбдор туманида 11,9 центнер, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида эса бор-йўғи 18,8 центнер даражасида бўлганига нима деб баҳо бериш мумкин?

Эътибор беринг, Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 26,5 центнерни ташкил этган бўлса, ер ва иқлим шароитлари, минерал ўғитлар ҳамда бошқа моддий-техник ресурслар билан таъминланиш даражаси бир хил бўлган **Каттақўрғон туманида** бу кўрсаткич бор-йўғи 18,7 центнерни ташкил этди.

Ёки Наманган вилоятининг **Мингбулоқ тумани** хўжаликлари ҳар гектар ер ҳисобига 16,1 центнер ҳосил олган бўлса, тупроқ ва иқлим хусусиятлари бир хил бўлган, сув ва бошқа моддий-техник ресурслар билан таъминланиш жиҳатидан ҳам бир хил шароитга эга бўлган Фарғона вилоятининг Ёзёвон, Андижон вилоятининг Улуғнор туманлари хўжаликлари тегишлича гектарига 28,7 ва 20,5 центнердан хирмон кўтариб, шартнома мажбуриятларини бажардилар.

2001 йили республика бўйича 41 минг 500 гектар экин майдонидан ер тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузган тарзда фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. Ер ресурслари бўйича Давлат қўмитаси томонидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, Самарқанд, Навоий, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида 2 минг гектар ерга қонунга хилоф равишда ерёнғоқ, шоли, полиз ва бошқа экинлар экилгани маълум бўлди.

Сирдарё вилоятида 560 гектар ерга пахта ўрнига полиз ва бошқа экинлар экилгани, статистик ҳисобот бузиб кўрсатилгани ҳамда 80 гектар майдон ўзлаштирилди, деб сохта ҳужжатлар расмийлаштирилганини қандай баҳолаш керак?

Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги 18 та хўжаликда чигит экиш майдонларига салкам 3 минг гектар, жумладан, шу туманнинг “Нурафшон” хўжалигида 250 гектар, “Шарқ юлдузи” хўжалигида эса 580 гектар майдон статистик ҳисоботларга қўшиб ёзилган.

Арнасой туманидаги бир қанча фермер хўжаликлари ҳам пахта экишга мўлжалланган ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланганлар. Жумладан, “Нушкент” фермер хўжалиги белгиланган 106 гектар ўрнига 51 гектар, “Ҳасан” фермер хўжалиги эса 45 гектар ўрнига 24 гектар ерга пахта эккан. Қўшиб ёзилган ерларга эса шахсий бойлик орттириш мақсадида бошқа экинлар экилган.

2001 йилдаги кескин сув тақчиллиги шароитида Навоий вилоятида 60 гектар ерга, Наманган вилоятида 2 минг 300 гектар ерга, Самарқанд вилоятида 160 гектар ерга, Фарғона вилоятида эса 1 минг 900 гектар ерга ўзбошимчалик билан шоли экилган. Натижада 156 миллион куб метр суғоришга мўлжалланган сув белгиланган лимитдан ортиқча ишлатилган.

Айрим туманлар ва хўжаликлар раҳбарлари томонидан ўзининг шахсий ғаразли манфаатини кўзлаб, суғориладиган ерларни талон-тарож қилиш, қонунга хилоф равишда сотиш ёки ижарага бериш каби кўплаб ҳолатлар аниқланди.

Бундай фактлар Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида, айниқса, кўп учрайди.

Бошқа вилоятлардан ҳам шундай мисолларни кўп-кўп келтириш мумкин.

**Бизнинг яна бир бебаҳо бойлигимиз — сув эканини ҳаммамиз яхши биламиз.** Буни сўнгги икки-уч йил давомида мамлакатимиз бошига тушган, қишлоқ хўжалигига, бутун иқтисодиётимизга жуда катта зарар келтирган қурғоқчилик даврида айниқса яққол ҳис этдик.

Шунинг учун ҳам ерларни суғоришга яроқли сувдан тежаб-тергаб, самарали фойдаланишга, суғориш ва ирригациянинг замонавий тизимларини жорий қилишга, сувдан фойдаланиш интизомини кучайтиришга, бу борада яхши натижаларга эришаётганларни эса рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ниҳоятда зарур эканини ва бу масала орқага суриб бўлмайдиган муаммога айланиб бораётганини тушуниш мушкул эмас.

Айни пайтда сувдан хўжасизларча, айтиш лозимки, жинояткорона, назоратсиз фойдаланиш билан боғлиқ ҳар бир конкрет ҳолатга, суғоришга яроқли сувни коллектор-дренаж тармоқларига оқизиб юбориш фактларига қатъийлик билан барҳам беришимиз лозим.

Энди, ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, ҳар томчи сув олтинга тенг бўлиб турган бир пайтда кўплаб вилоятларда сувдан фойдаланиш коэффициенти тушиб кетганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Наманган каби бир қатор вилоятларда содир бўлаётган бундай салбий ҳолатларнинг сабабларини чуқур синчиклаб ўрганиш ва тегишли чоралар кўриш шарт, деб ҳисоблайман.

Алоҳида эътиборимизни талаб қиладиган яна бир масала борки, у ҳам бўлса **ичимлик сувни тежаш** масаласидир. Яқин йиллар ичидаёқ бу масала энг кескин муаммолардан бирига айланиши, ичимлик суви эса энг ноёб ва қимматбаҳо табиий ресурс бўлиб қолиши мумкин.

Биз ҳозирнинг ўзидаёқ бутун-бутун минтақаларда, хусусан, Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро вилоятларида, Қашқадарё, Навоий, Жиззах вилоятларининг айрим туманларида сифатли ичимлик сув таъминоти билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқдамиз.

Айни пайтда, қатор ҳудудлар сифатли ичимлик сувига катта эҳтиёж сезаётганига қарамай, сувни исроф қилиш ва ундан назоратсиз фойдаланиш ҳолатлари ҳам кўп.

Бу масала ўрганилганда, аҳоли томонидан сув сарфлашнинг амалдаги миқдори белгиланган меъёрлардан 2-3 баробар ортиқ экани аён бўлди.

Корхоналарда, автомобиль ювиш шохобчаларида ичимлик сувдан техник мақсадларда фойдаланиш каби бемаъни одатларга ҳанузгача чек қўйилмаяпти. Бундан ташқари, айрим шаҳарлар ва туман марказларида суғориш шохобчалари йўқлиги, мавжуд ариқларнинг эса кўмиб ташлангани туфайли ёз мавсумида аҳоли водопровод сувидан суғориш мақсадлари учун фойдаланмоқда.

Шу билан бирга, ичимлик суви сарфланишини ҳисобга олувчи мосламаларни — ўлчагичларни ўрнатиш ишлари мутлақо қониқарсиз аҳволда.

Бу муҳим ишга бўлган бундай лоқайд муносабатга асло тоқат қилиб бўлмайди. Бу масалани қисман ўрганиш шуни кўрсатдики, 2002 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Бухоро вилоятида уй-жой фондининг бор-йўғи 4 фоизи ана шундай ўлчагичлар билан таъминланган. Афсуски, бошқа вилоятларда, хусусан, Тошкент шаҳрида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. “Тошвилоятсувоқава” трестига қарашли истеъмолчиларнинг атиги 3 фоизидагина ана шундай ўлчагичлар мавжуд, холос.

**Энергетика ресурслари**дан, биринчи галда табиий газдан фойдаланиш аҳволини ҳам мен мутлақо қониқарсиз, деб ҳисоблайман.

Ҳозирга қадар табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш ва етказиб беришда сезиларли техник йўқотишларга йўл қўйилмоқда. Бошқа турдаги энергетика ресурслари мавжуд бўлгани ҳолда, газдан электр энергияси ҳосил қилиш учун фойдаланилаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди.

Шуни афсус билан айтиш керакки, истеъмолчиларнинг ўзи, энг аввало, саноат корхоналари ҳам газдан тежамкорлик билан фойдаланмаяптилар.

Газдан қонунсиз равишда фойдаланиш ва уни ўғирлаш ҳоллари кўплаб учраб турибди. Масалан, республика бўйича ўтказилган текширишлар натижасида жами 12 мингдан ортиқ теплицаларнинг қонунга хилоф равишда газ билан таъминланаётгани аниқланди. Бундай теплицаларнинг сони Самарқанд вилоятида 4250 та, Тошкентда 1500 та, Андижон вилоятида эса 1450 та эканлиги маълум бўлди.

Уй-жой фондини газ ўлчагичлар билан таъминлаш иши ҳам қониқарсиз аҳволда. Текширишлар шуни кўрсатдики, Бухоро вилоятида уй-жой фондининг 6,4 фоизи, Наманган вилоятида 5,6 фоизи ана шундай ускуналар билан таъминланган, холос. Бошқа жойларда ҳам аҳвол шундай.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, айрим аҳоли қатламларининг табиий газдан фойдаланиш даражаси меъёрдагига нисбатан 1,5-2 баравар ортиқ. Савол туғилади — хонадонлар газдан турли миқдорда фойдаланганлари ҳолда, нега энди бунинг учун бир хил ҳақ тўланиши керак?

**Электр энергияси**ни нега тежамаймиз? Бугун республикамиз ишлаб чиқариш корхоналарининг электр энергиясини сарф қилиш даражаси илғор Ғарб мамлакатларидаги кўрсаткичдан уч баравар ортиқ.

Катта ҳажмда электр энергияси истеъмол қиладиган кимё, тўқимачилик, машинасозлик саноатининг йирик корхоналари, қурилиш материаллари саноати ва бошқа завод-фабрикаларда энергия қуввати меъёридан ортиқча сарф бўлаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бунинг сабаби шундаки, ҳали-бери бундай нуқсонларга йўл қўйган бирорта раҳбар ўз чўнтагидан бирор сўм ҳам жарима тўлагани йўқ. Ҳаммаси ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Исрофгарчилик учун жазо берилмас экан, раҳбар ҳам, оддий ходимлар ҳам бу масалада бепарво бўлаверади.

Бу ҳолат нафақат ёқилғи-энергетика соҳасига, балки бошқа муҳим моддий ва табиий ресурслардан фойдаланишда ҳам тежамкорлик ва белгиланган меъёрларга амал қилиш масаласига тегишлидир.

Маиший соҳада, шаҳар хўжалигида электр энергиясидан оқилона фойдаланишга ҳам етарли даражада эътибор берилмаяпти. Айрим бюджет ташкилотлари ўлчагичларга эга бўлмагани сабабли фойдаланилган электр энергияси учун ўрнатилган қувват даражасида ҳақ тўламоқда.

Электр тармоғига қонунсиз равишда уланиб олиб, энергиядан бепул фойдаланиш ҳоллари ҳам, афсуски, оз эмас. Бу ишни назорат қилувчи органларнинг фаолияти эса мутлақо талабга жавоб бермайди.

Муайян товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасида моддий ресурсларни тежаш тўғрисида гапирганда, шуни эътиборга олиш керакки, биз бунда фақат ресурсларни иқтисод қилишнигина назарда тутаётганимиз йўқ.

Асосий масала шундаки, моддий ресурслардан хўжасизларча, масъулиятсизлик билан фойдаланиш маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетадиган материал ва энергия сарфининг ошишига, бу эса, ўз навбатида ана шу маҳсулот таннархининг қимматлашувига олиб келади. Товарнинг нархи ошиб кетади ва оқибатда у рақобатга бардош бера олмайди. Шу тариқа, маҳсулотларимизни жаҳон бозорига олиб чиқиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз йўққа чиқади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, бу борада тартиб ўрнатиш учун қаттиқ чораларни кўриш вақти келди.

Бундай муҳим масалалар юзасидан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов раҳбарлигида Вазирлар Маҳкамасининг махсус комиссиясини тузиш керак. Унинг таркибига манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, текширувчи ташкилотлар ҳамда прокуратура вакилларини киритиш зарур, деб ҳисоблайман.

Мазкур комиссия тегишли ресурс турлари бўйича аҳволни ўрганиб, 2010 йилгача бўлган даврда улардан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича дастур ишлаб чиқиши ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши лозим.

Бу дастурда ресурсларни тежаш технологиясини, айниқса, мелиорация ва ирригация соҳасига кенг жорий этиш, ёқилғининг бошқа муқобил турларидан фойдаланишга доир аниқ чора-тадбирлар белгиланиши, табиий, минерал-хомашё, ёқилғи-энергетика ресурсларидан хўжасизларча фойдаланганлик учун жавобгарлик кўзда тутилиши даркор.

Юқорида зикр этилган вазифаларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асосини яратиш учун Парламентга тегишли қонун ҳужжатларини киритиш лозим бўлади.

Ресурсларни иқтисод қилиш муаммолари тўғрисида гапирганда, **молиявий ресурслар**ни тежаш, берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Кредитлардан асоссиз кечиб юбориш ёки қарз тўловларини муддатида қайтармаслик каби номақбул тажрибага мутлақо барҳам бериш керак. Акс ҳолда, биз наинки, корхоналарга молиявий ёрдам берамиз, балки айни пайтда масъулиятсиз қарз олувчиларнинг уруғи кўпайишига ҳам сабабчи бўламиз.

Бу борада ривожланган мамлакатлардагидек қатъий тартиб ўрнатиш лозим. **Агар кимдир қарз олмоқчи бўлса, марҳамат, ўз мулкини гаровга қўйиб олсин.** Агар қарзини ўз вақтида қайтара олмаса, унинг мулки банкнинг, қарз берувчининг тасарруфига ўтади. У эса ўз навбатида бу мулкни сотувга қўйиши мумкин. Мана шундагина корхона раҳбарлари кредит, яъни қарз олиш масаласига чуқур ўйлаб, масъулият билан ёндашадиган бўлади.

Марказий банк, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги олинган қарзларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлайдиган қатъий чоралар ишлаб чиқиши ва уларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилиши лозим. Прокуратура эса қарзларни ўз вақтида қайтармаган раҳбарларга нисбатан тегишли чоралар кўриши, керак бўлса, уларни ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш тартибини жорий қилиши даркор.

Муҳтарам дўстлар!

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга доир энг муҳим масалалар қаторида, иқтисодиётнинг хусусий тармоғини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Маълумки, бу тармоқни ривожлантириш учун Ўзбекистонда пухта қонунчилик асослари яратилган. Асосий Қомусимиз — Конституциямизда шахсий мулкнинг дахлсизлиги ва унинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, биз босиб ўтган мустақил тараққиёт йилларида, ислоҳотлар даврида иқтисодиётнинг хусусий сектори — тармоғи ўзининг мустаҳкам қонуний ҳуқуқларига эга бўлди.

Қатор соҳаларда, айниқса, қишлоқ хўжалигида хусусий тармоқ ишлаб чиқараётган маҳсулотлар улуши тобора ўсиб бормоқда. Ҳозирги кунда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида бу тармоқ етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Жамиятда хусусий мулк ва мулкдорларга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгариб бормоқда.

Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни истайдиган одамларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. 2001 йили 63 мингга яқин **корхоналар хусусий тармоқ вакиллари сифатида фаолият кўрсатди.**

Шуни ҳам айтиш керакки, деҳқон ва фермер хўжаликлари бу ҳисобга кирмайди. Биргина ўтган йили хусусий тармоқда рўйхатга олинган корхоналар сони яна 1,5 мингга кўпайди. Уларнинг ярмидан кўпроғи хизмат кўрсатиш соҳасида, ҳар олтитадан биттаси эса саноат соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

Лекин, шу билан бирга, эътироф этиш керакки, хусусий тармоқнинг бугунги миқёслари ва аҳволи бозор муносабатларини шакллантириш талабларига ҳали тўла жавоб бера олмаяпти.

Бизнинг мақсадимиз — бу тармоқ бозор иқтисодиётини барқарор ва мунтазам ривожлантиришда етакчи ўринни эгаллаши керак.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Иқтисодиётимизга инвестиция жалб қилиш масаласини хорижий сармоядорлар билан муҳокама этаётганимизда уларнинг хусусий тармоққа алоҳида қизиқиш билан қарашлари бежиз эмас, албатта.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги, жумладан, Халқаро молия корпорацияси, АҚШдаги ОПИК, Германиядаги ДЕГ каби молия ташкилотларининг айнан хусусий тармоқни ривожлантириш учун инвестиция киритишга тайёр экани шундан далолат беради.

Хўш, бунинг сабаби нимада?

Бунинг сабаби жуда оддий. Хусусий тармоқни ривожлантириш давлат мулкчилигига асосланган тоталитар тузумдан хусусий мулкчилик принциплари амал қиладиган демократик жамиятга ўтиш жараёнининг узвий қисми бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи ўрин тутишини унутмаслигимиз керак.

Айнан мулкчилик шаклининг ўзгариши иқтисодиёт ва жамият ҳаётида ортга қайтариб бўлмайдиган жараёнлар ва ўзгаришлар учун мустаҳкам замин, мустаҳкам асос яратади. Шундагина жамият ҳаётида ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этишнинг, меҳнатга муносабатнинг тамомила янгича тамойиллари амал қила бошлайди.

Хусусий тармоқни ривожлантиришнинг истиқболлари ҳақида гапирганда, биз, энг аввало, кичик ва ўрта корхоналарни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўзда тутаётганимизга алоҳида эътибор қаратмоқчиман.

Тараққий топган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, хусусий тармоқ одатда кичик ва ўрта бизнес ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида ривожланади. Бундай давлатларда хусусий тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50-60 фоизни ташкил этади. Меҳнат билан банд бўлган аҳолининг 65-70 фоизи эса айнан мана шу соҳада фаолият кўрсатади.

Мана энди, шу асосда тегишли хулосаларни чиқарайлик. Ўзбекистонда хусусий секторнинг улуши ялпи ички маҳсулотимизда фақатгина 35 фоизни, аҳолини иш билан таъминлашда эса атиги 30 фоизни ташкил қилади.

Агар биз аҳолимизнинг асосий қисми йирик корхоналар қуриш имконияти бўлмаган, хизмат кўрсатиш соҳаси кам ривожланган қишлоқ жойларда ва кичик шаҳарларда истиқомат қилишини инобатга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан хусусий тармоқни ҳар томонлама ривожлантириш ва рағбатлантириш юртимизда нақадар зарур эканлигини англаб етиш қийин эмас.

Масаланинг яна бир аҳамиятли жиҳати бор. Агар биз тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, барча замонларда ҳам халқимизнинг дунёқараши, ўзига хос тафаккур ва турмуш тарзида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга интилиш доим жуда кучли бўлганини кўрамиз.

Бизнинг минтақамизда азал-азалдан ҳунармандлик ривожланган. Тўқимачилик, миллий пойабзал тикиш, кулолчилик, амалий санъат, ганчкорлик, темирчилик, ўймакорлик билан шуғулланадиган кичик-кичик устахона ва дўконлар кўп бўлган.

Аҳолининг асосий қисми шу касб-ҳунарлар билан банд бўлиб, уларнинг маҳорати авлоддан авлодга ўтиб келган. Биз буни ёддан чиқармаслигимиз, бугунги дунё тараққиётидан келиб чиққан ҳолда уларни янги техник асосда қайта тиклашимиз лозим.

Албатта, бу борада кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Аммо, менинг фикримча, бу соҳага танқидий кўз билан қараб, унга қўшимча ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа имтиёзлар бериш масаласини яна бир бор кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу соҳада ишлаётган одамлар меҳнатини рағбатлантириш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишнинг янги-янги имкониятларини қидириб топишимиз даркор. Шу мақсадда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддат ичида мамлакатда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтиришга оид қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар киритиши лозим.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

(Давоми 3-бетда)

